

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИЗИКА- МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЁИТДИНОВ ЖАХОНГИР НОРБОЕВИЧ

**МОНО- ВА ПОЛИКРИСТАЛЛ КРЕМНИЙ АСОСИДАГИ
p-n-СТРУКТУРАЛАРНИНГ ФОТОЭЛЕКТРИК
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ҲАРОРАТНИНГ ТАЪСИРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Зиёитдинов Жахонгир Норбоевич

Моно- ва поликристалл кремний асосидаги $p-n$ -структураларнинг
фотоэлектрик характеристикаларига ҳароратнинг таъсири 3

Зиёитдинов Жахонгир Норбоевич

Влияние температуры на фотоэлектрические характеристики $p-n$ -
структур на основе моно- и поликристаллического кремния 25

Ziyoitdinov Jakhongir Norboyevich

Influence of temperature on the photoelectric characteristics of $p-n$ structures
based on mono- and polycrystalline silicon..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЁИТДИНОВ ЖАХОНГИР НОРБОЕВИЧ

**МОНО- ВА ПОЛИКРИСТАЛЛ КРЕМНИЙ АСОСИДАГИ
p-n-СТРУКТУРАЛАРНИНГ ФОТОЭЛЕКТРИК
ХАРАКТЕРИСТИКАЛАРИГА ҲАРОРАТНИНГ ТАЪСИРИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/FM282 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алиев Райимжон

техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар:

Имамов Эркин Зуннунович

физика-математика фанлари доктори, профессор.

Расулов Акбарали Махаматович

физика-математика фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

**ЎзРФА “Физика-Қуёш” ИИЧБ қошидаги
Физика-техника институти**

Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150107, Ўзбекистон, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03. Факс: (99873) 241-12-06; e-mail: uzferfizika@mail.ru, Фарғона политехника институти мажлислар зали.

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг ахборот-ресурс маркази илмий-услубий бўлимида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Х.Юлдашев

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор.

Б.З.Полвонов

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш илмий котиби, физика-
математика фанлари бўйича фалсафа доктори,
доцент.

Р.Я.Расулов

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий Кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
ф-м.ф.д., профессор.

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида қўшимча энергия манбаларига бўлган талабнинг доимий ўсиши ва глобал экологик муаммоларнинг кескинлашиши қайта тикланувчи энергия манбаларининг жадал қўлланишини талаб қилмоқда. Бунда экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобланган яримўтказгичли фотоэлектрик энергия ўзгартиргичларнинг самарадорлигини ошириш, фотоўзгартиргич юзасига тушаётган ёруғлик оқимининг самарали ютилишини таъминлаш, фотогенерацияланган заряд ташувчиларнинг сиртий ва ҳажмий рекомбинациясини камайтириш, юқори самарали фотоэлектрик энергетик қурилмалар учун истиқболли янги структуралар олиш, уларнинг электрофизик ва фотоэлектрик хоссаларини ўрганиш ҳамда фотоэлектрик энергия манбаларидан фойдаланишнинг ўзига хос имкониятларини тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳоннинг кўплаб давлатларидаги етакчи илмий марказларда фотоэлектрик энергия манбаларини яратиш ва такомиллаштиришда яримўтказгичли кремнийнинг турли кўринишлари асосида тайёрланган қуёш элемент(ҚЭ)ларини қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотлар, жумладан иссиқ иқлимли минтақаларда ҚЭларини концентраторсиз ишлатиш муаммосини ечиш; кремнийли ҚЭлари асосий фотоэлектрик параметрларининг температуравий коэффицентлари кремний моддасига, *p-n*-ўтиш сифатига, контакт электродларнинг барқарорлигига ва нур қайтаришга қарши қатлам сиртининг сифатига боғлиқ равишда бир-бирларидан кескин фарқ қилганликлари учун кремнийли ҚЭларини совитиш бўйича техник ечимлар ишлаб чиқиш; иккинчи ва учинчи авлод ҚЭларида асосий фотоэлектрик параметрларнинг температуравий коэффицентларига сезиларли таъсир кўрсатувчи сиртий ва ҳажмий инновацион оптик тутқичларни қўллаш; учинчи авлод ҚЭларида наноплазмоника эффектидан фойдаланишда кремний сиртига турли металлларнинг нанозарраларини киритиш; ҳажмида ва сирти яқинида металл нанозарралари бўлган ҚЭларининг асосий фотоэлектрик параметрларининг температура таъсирида ўзгаришини билиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Республикамизда фаннинг устувор йўналишларида, жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш бўйича *p-n*-ўтишли фотоўзгартиргич асосида фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини ошириш имконини берувчи фотоэлектрик модулларнинг янги самарадор конструкцияларини яратиш ва кремнийли фотоўзгартиргичларнинг эмиттер қатламида наноўлчамли структуралар шакллантириш орқали фотоэлектрик энергия олиш самарадорлигини ошириш бўйича олиб борилган тадқиқотларда сезиларли натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали

механизмлари»¹ йўналиши бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, кремний асосидаги ҚЭларининг асосий фотоэлектрик параметрларига температуранинг таъсирини тадқиқ қилиш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 13 февралдаги ПҚ-2772-сон «Электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ва мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши Республика фан ва технологиялар тараққиётининг "Ш. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш" устувор йўналишига мувофиқ амалий тадқиқотлар давлат дастури: АТД-3. "Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш, транспорт, машина ва асбобсозлик, замонавий электроника, микроэлектроника, электрон асбобсозликни ривожлантириш" доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нобель мукофоти совриндори Ж.И.Алфёров, профессорлар М.Гриин, А.Васильев, А.П.Ландсман, В.А.Летин, В.Р. Заявлин, Серж Абракен, Дефиз Жан-Марко, Колетт Жан-Поль, Д.С.Стребков, Н.С.Лидаренко, В.С.Косарев, В.В.Бессель, А.Фаренбрух, Р.Бьюб, А. да Роз ва бошқа хорижий олимларнинг тадқиқот ишлари илмий ва амалий жиҳатдан яримўтказгич асосидаги турли конструкцияли структураларда фотоэлектрик ўзгартиришлар самарадорлигини оширишга қаратилган.

А.В.Козлов, А.В.Охорзина, А.Т.Ахметшин ва Д.А.Зезинлар томонидан Россиянинг турли минтақаларида ҚЭга ташқи муҳитнинг, жумладан температуранинг таъсири диссертацион тадқиқотлар сифатида ўрганилган. Лекин бу тадқиқотларда ҚЭ ва қуёш панел (ҚП)ларидаги асосий материалнинг дастлабки параметрларига температуранинг таъсири ҳисобга олинмаган. ҚЭларини моделлаштириш масалалари В.М.Евдокимов,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // ЎзР ҚХТ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон, 354-модда, 23-сон, 448-модда, 37-сон, 982-модда.

В.С.Чеботарев, А.В.Юрченко, А.В.Саченко ва бошқалар томонидан ўрганилган. Лекин, уларнинг моделлаштириш усулларида етарлича катта ҳажмдаги экспериментал маълумотлар билан таъминланган рақамли асбоб-технологик методлардан фойдаланилган эмас. Шунинг учун кремнийли фотоэлектрик соҳанинг илмий ва технологик масалаларини ечишда “*PVLighthouse*”, “*Sentaurus TCAD*” каби замонавий моделлаштиришнинг рақамли асбоб-технологик методларини қўллаш ўта долзарб ҳисобланади.

Академиклар М.С.Саидов ва Р.А.Муминов, профессорлар М.Н.Турсунов, Р.Алиев, фан докторлари У.Газиёв, В.Дыскин ва Б.М.Абдурахманов каби ўзбек олимлари томонидан кремний асосидаги юқори самарали фотоўзгартиргичлар олишнинг илмий, техник ва технологик ўзига хосликлари аниқланган. Улар томонидан қатламли, қуйма ва поликристалл кремний асосли ҚЭнинг лаборатория конструкцияларига температуранинг таъсирини ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар бажарилган. Бундай тадқиқотларнинг натижалари кўплаб илмий журналларда чоп этилган. Лекин, ҳозирги вақтга қадар моно- ва поликристалл кремнийли ҚЭларига температура таъсирини ўрганишга бағишланган комплекс диссертацион тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистон шароитида қуёш блоклари ва қуёш панеллари (ҚП) характеристикаларига температуранинг таъсирини ўрганиш бўйича илмий-амалий масала қўйилмаган. Шунинг учун, юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, юқори самарали моно- ва поликристалл кремний асосидаги *p-n*-ўтишли ҚЭлари, қуёш блоклари ва қуёш панелларининг температура ўзгариши шароитида заряд ташувчиларнинг кинетик параметрларининг ўзгариш механизмларини аниқлаш ва оптимал температура диапазонини асослаш учун комплекс диссертацион тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлар режасининг ERASMUS+ 574055-EPP “Қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит соҳасида магистрлик дастурини ривожлантириш”, RENES (2016-2019); 1-2016-1-IT-RPPKA2-SBHE-JP, Жаҳон банки АИФ-2/7 “Талабаларнинг ижодий ва инновацион фаолиятини рағбатлантирувчи қайта тикланадиган энергия манбалари ва барқарор атроф-муҳит физикаси бўйича магистр дастурини такомиллаштириш” (2019-2021) халқаро лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади рақамли моделлаштириш орқали моно- ва поликристалл кремний асосидаги *p-n*-структураларнинг юқори самарали фотоэлектрик ўзгартиришини таъминловчи оптимал температуралар оралиғини аниқлаш ва илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

температура ўзгариши шароитида кремнийли фотоэлектрик ўзгартиргичлар асосий фотоэлектрик параметрларининг ўзига хосликларини аниқлашда заряд ташувчилар (ЗТ) кинетик параметрларини, хусусий ва

киришмали ЗТнинг концентрациясини, кремнийнинг электрофизик параметрларини, *p-n*-ўтиш орқали заряд кўчиш механизмларини ва омик контактлар томонидан заряд тўплаш даражаларининг ўзгариш хусусиятларини ўрганиш;

рақамли моделлаштириш ва экспериментал усуллар ёрдамида замонавий кремнийли фотоэлектрик *p-n*-структуралар ВАХи ва асосий фотоэлектрик параметрларининг температурага боғлиқ ҳолда ўзгариш динамикасини аниқлаш;

эмиттер соҳасига киритилган металл нанозарраларнинг кремнийли *p-n*-структуралар температуравий характеристикаларига таъсирининг физик табиатини аниқлаш;

“*Sinton Instrument Suns-Voc*” стандартлаштирилган ўлчов тизими асосида яримўтказгичли *p-n*-структураларнинг асосий фотоэлектрик характеристикаларига температура ўзгаришининг таъсирини автоматик тарзда кузатишга имкон берувчи янги қурилма ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

“*PVLighthouse*” халқаро системасида олинган назарий ҳисоблаш натижаларини илмий таҳлиллар учун қулай бўлган универсал “*Excel*” кўринишида қайта ишлашга имкон берувчи янги дастурий тизим ишлаб чиқиш;

янги техник ечимлар ёрдамида сувнинг конвекцияси ва унинг диффузион буғланиши орқали иссиқликни самарали сарфлаш ҳисобига кремнийли фотоэлектрик ўзгартиргичларнинг энг мақбул эксплуатация температурасини аниқлаш имконини берувчи янги усулни илмий асослаш.

Тадқиқот объекти моно- ва поликристалл кремний асосидаги *p-n* ўтишли қуёш элементлари, улардан йиғилган блоклар ва панелларнинг фотоэлектрик хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети заряд ташувчиларнинг кинетик параметрлари ва яримўтказгичли *p-n*-структуралар бошланғич хоссаларининг температура ўзгариши шароитидаги моно- ва поликристалл кремний асосидаги қуёш элементларининг чиқиш характеристикаларига таъсир механизмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида “*PVLighthouse*”, “*Sentaurus TCAD*”, “*C#9.0*” дастурий таъминот тизимлари ва “*Sinton Instrument WCT-120*” ва “*Sinton Instrument Suns-Voc*”, “*Edibon-Photovoltaic*” экспериментал лаборатория ўлчов тизимлари асосида рақамли асбоб-технологик моделлаштириш усуллари, бундан ташқари “*STGraphs*”, “*STTemperature*” дастурий маҳсулотларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта турли бошланғич легирлаш даражасига ($10^{14} \div 10^{18} \text{ см}^{-3}$) эга бўлган кремний электр ўтказувчанлигининг, заряд ташувчилар кинетик параметрларининг, тақиқланган соҳа кенглигининг ва *p-n*-структураларнинг фотоэлектрик параметрлари ўзгаришларининг атроф-муҳитнинг $250 \div 350 \text{ K}$ оралиқдаги температуралар ўзгаришига боғлиқлигининг комплекс номограммалари ишлаб чиқилган;

биринчи марта кремнийли структураларининг эмиттер ва база қатламларидаги электрон ва коваклар эффектив массаларининг температурага боғлиқлик қонуниятлари аниқланган ва яримўтказгичлар физикаси назарияси доирасида тушунтирилган;

замонавий кремнийли фотоэлектрик *p-n*-структуралар ВАХ ва уларнинг асосий фотоэлектрик параметрларининг температурага боғлиқ равишда ўзгаришининг ўзига хос хусусиятлари аниқланган ҳамда рақамли ҳисоблаш ва ўтказилган тажрибалар натижаларининг ўзаро мувофиқлиги тасдиқланган;

илк марта кремнийли *p-n*-структуранинг эмиттер соҳасига киритилган шакли, ўлчами, тақсимот зичлиги ва тури бўйича мақбуллашган металл нанозарраларнинг, унинг фотоэлектрик параметрларининг температуравий коэффициентларига таъсирининг физик табиати аниқланган;

илк марта илмий асосланган сувнинг конвекцияси ва унинг диффузион буғланиш иссиқликлиги ҳисобига кремнийли қуёш элементининг мақбул иш температурасини таъминлайдиган янги техник ечимлар ишлаб чиқилган ва таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“*Sinton Instrument Suns-Voc*” стандартлаштирилган ўлчаш тизими асосида яримўтказгичли *p-n*-ўтишли структураларининг асосий фотоэлектрик параметрларига температура таъсирини автоматик режимда экспериментал тадқиқ этишга имкон берувчи янги қурилма яратилган ва қўлланилган;

замонавий “С#9.0” дастурий технологиядан фойдаланиш асосида “*PVLighthouse*” халқаро системасида ҳисоблаш натижаларини илмий таҳлил учун қулай бўлган “*Excel*” кўринишида қайта ишлашга имкон берувчи “*STTemperature*” дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилган ва таклиф этилган;

сувнинг конвекцияси ва унинг диффузион буғланиши ҳисобига иссиқликни самарали сарфлаш орқали кремнийли фотоэлектрик энергия ўзгартиргичларнинг мақбул температурасини ҳосил қилувчи янги усули таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги бажарилган тажриба ҳисоблаш натижаларининг ўзаро мос келиши, тадқиқот жараёнида замонавий рақамли усулларнинг қўлланилганлиги, мантиқий бирликнинг таъминланганлиги, тажрибаларда замонавий компьютерлаштирилган ўлчов асбобларидан фойдаланилганлиги ҳамда ўлчов натижаларининг умумқабул қилинган дастурий усуллар билан қайта ишланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улар қуёш энергиясини электр энергиясига айлантиришда кремний асосидаги *p-n*-структураларда кечадиган физик жараёнлар ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, шунингдек, хусусий ва киришмали заряд ташувчиларнинг концентрацияси, уларнинг кинетик параметрлари ва кремнийнинг электрофизик параметрларининг температурага боғлиқ равишда ўзгаришларининг ўзига

хослигини, *p-n*-ўтиш орқали заряд кўчиш механизмларини аниқлаш ҳамда илмий жиҳатдан асослаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, “*Sinton Instrument Suns-Voc*” стандартлаштирилган ўлчаш тизими асосида яримўтказгичли *p-n*-структуралар асосий фотоэлектрик параметрларига температуранинг таъсирини автоматик тарзда экспериментал тадқиқ этишга имкон берувчи янги қурилма яратилган; - замонавий “С#9.0” дастурий технологиядан фойдаланиш асосида “*PVLighthouse*” халқаро тизимида ҳисоблаш натижаларини илмий таҳлил учун қулай “*Excel*” кўринишида қайта ишлашга имкон берувчи “*STTemperature*” дастурий маҳсулоти ишлаб чиқилган; - сувнинг конвекцияси ва унинг диффузион буғланиши ҳисобига иссиқликни самарали сарфлаш орқали кремнийли фотоэлектрик энергия ўзгартиргичларнинг мақбул эксплуатация температураси аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Моно- ва поликристалл кремний асосидаги *p-n*-структураларнинг фотоэлектрик характеристикаларига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фотоэлектрик энергия ўзгартиргичларнинг мақбул температурасини аниқлашнинг янги усули асосида «Яримўтказгичли фотоэлектрик қурилма»га Россия Федерацияси патенти олинган (RU № 204589, 2021 йил 1 июнь). Ишлаб чиқилган ушбу янги технологик усул кремнийли фотоэлектрик ўзгартиргичлар учун сувнинг конвекцияси ва диффузион буғланиш ҳисобига иссиқликни самарали сарфлаш орқали мақбул эксплуатация ҳароратини аниқлаш имконини берган;

рақамли ҳисоблаш усуллари ва бажарилган тажрибалар бўйича олинган маълумотлар, хусусан, ҳарорат ўзгарганида замонавий кремнийли фотоэлектрик *p-n*-структуралар вольт-ампер характеристикалари ва асосий фотоэлектрик параметрларининг ўзгариш хусусиятлари «FOTON» акциядорлик жамиятида параметрлари яхшиланган фотоэлектрик қурилмалар ишлаб чиқаришда қўлланилган. («Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг 2021 йил 27 сентябрдаги 04-3/1813-сонли маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш ҳозирги кунда ишлаб чиқариш шароитида кремний асосли қуёш элементларида кечадиган фотоэлектрик жараёнларни оптималлаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 10 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича жами 28 та, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола нашр этилган. 1 та Россия Федерацияси патенти ва 2 та ЭҲМ дастурий маҳсулоти учун муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 боб, хулоса, 103 та фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 144 (шундан, 32 та бетда расм ва 4 та бетда илова) бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объектлари, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг апробациядан ўтганлиги ва нашр қилиниши, шунингдек, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг "**Ҳарорат таъсирида яримўтказгичли кристаллар ва p - n -структураларда заряд кўчиш жараёнларини ўрганишнинг замонавий ҳолати**" деб номланган биринчи бобда диссертация мавзусига оид адабиётлар шарҳи келтирилган. Жумладан, яримўтказгичлар ва p - n -структураларда электр тоқининг ҳосил бўлиш жараёнлари ҳамда уларга температуранинг таъсири таҳлил қилинган. Яримўтказгичли фотоэлектрик қурилмаларнинг характеристикаларига температуранинг таъсирини тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга яримўтказгичли фотоэлектрик қурилмаларни моделлаштириш усуллари ва уларга температура ўзгаришининг таъсири таҳлил қилинган. Аниқланган илмий-амалий муаммолар асосида диссертацион тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

"**Яримўтказгичли p - n -структуралар характеристикаларига ҳароратнинг таъсирини экспериментал тадқиқ қилиш ва моделлаштириш усуллари**нинг умумий муаммолари" деб номланган иккинчи боб кремний ва кремнийли структураларининг хоссаларига температуранинг таъсирини асбоб-технологик моделлаштириш усули ёрдамида физик-математик асослашга бағишланган.

Рақамли моделлаштиришда қаттиқ жисмдаги электростатик потенциални аниқлаш учун Пуассон тенгламасини ечиш керак:

$$\nabla \cdot (\varepsilon \nabla \varphi + \vec{P}) = -q(p - n + N_A - N_D) - \rho_{trap} \quad (1)$$

бу ерда ε – диэлектрик сингдирувчанлик, \vec{P} – қутбланиш вектори, q – элементар заряд, n ва p – электронлар ва коваклар концентрацияси, N_D – ионлашган донорлар концентрацияси, N_A – ионлашган акцепторлар концентрацияси, ρ_{trap} – тутқичлардаги (заряд ҳолатларидаги) заряд зичлиги.

“Sentaurus” тизимдан фойдаланганда кўйилган вазифа ва талаб қилинган аниқлик бўйича моделлаштириш даражасига боғлиқ равишда заряд кўчишнинг куйидаги турли хил моделларидан бирини танлаш мумкин:

- диффузия-дрейф модели – изотермик моделлаштириш, кенг фаол соҳаларга эга бўлган кам қувватли қурилмалар учун;

- термодинамик модель – тоқлар оқими туфайли структураларнинг кизишини ҳисобга олади ва кенг фаол соҳаларга эга бўлган қувватли, иссиқликни ёмон узатувчи қурилмалар учун;

- гидродинамик модель – ЗТнинг энергия ташишини ҳисобга олувчи, тор фаол соҳаларга эга қурилмалар учун (кичик ўлчамли қурилмалар);

- Монте-Карло модели – структураларнинг тўлиқ гуруҳи учун Больцман тенгламасини ечишга мўлжалланган (кичик ўлчамли қурилмалар учун энг юқори аниқлик даражасига эга).

Бизнинг моделлаштиришда термодинамик моделдан фойдаланилди, бунда токни ҳисоблаш учун

$$\vec{J}_n = -nq\mu_n(\nabla\Phi_n + P_n\nabla T), \quad \vec{J}_p = -pq\mu_p(\nabla\Phi_p + P_p\nabla T), \quad (2)$$

тенгламаларидан фойдаланилади, бу ерда P_n ва P_p – абсолют термоэлектрик энергиялар ва T – панжара температураси. Панжара температураси тенгламаси ечилганда бу модель диффузия-дрейф моделидан фарқ қилади. Бироқ, панжара температураси тенгламасини диффузия-дрейф модели ёрдамида ечиш мумкин. Термодинамик моделни фаоллаштириш учун дастурий тизимнинг “Physics” глобал бўлимидаги термодинамик калит сўзни аниқлаб олиш керак.


Термодинамик моделдан фойдаланилганда панжара температураси

$$\begin{aligned} \frac{\partial}{\partial t}(c_L T) - \nabla \cdot (k\nabla T) = -\nabla \cdot [(P_n T + \Phi_n)\vec{J}_n + (P_p T + \Phi_p)\vec{J}_p] - \frac{1}{q} \left(E_c + \frac{3}{2} kT \right) (\nabla \cdot \vec{J}_n - qR_{net,n}) - \\ - \frac{1}{q} \left(-E_v + \frac{3}{2} kT \right) (-\nabla \cdot \vec{J}_p - qR_{net,p}) + \hbar\omega G^{opt} \end{aligned}$$

тенглама ёрдамида ҳисобланади, бу ерда: k – иссиқлик ўтказувчанлик, c_L – панжаранинг иссиқлик сифими, E_c ва E_v – ўтказувчанлик ва валент зоналари энергиялари, G^{opt} – ω частотадаги оптик генерация тезлиги, $R_{net,n}$ ва $R_{net,p}$ – электрон ва ковақларнинг рекомбинация тезликлари, J_n ва J_p – мос равишда электронлар ва ковақлар ток зичликлари.

Масалани соддалаштириш ва имкониятларни кенгайтириш мақсадида С#9.0 дастури ёрдамида “STTemperature” компьютер дастури ишлаб чиқилди. 0.77 Мб ҳажмли янги дастур 650-700 МБ CD турдаги ахборот ташувчига осон жойлашади. Дастур камида “Windows XP” операцион муҳитига эга бўлган “Pentium-I” шахсий компютерида “PVLighthouse” ёрдамида олинган ҳисоблаш натижаларини “Excel” жадвали кўринишида импорт қилиш ва қайта ишлаш имконини беради.

ҚЭларининг фотоэлектрик параметрларига температура ўзгаришининг таъсирини ўрганиш мақсадида тажрибалар учун 2 та қўшимча таркибий элементларни ўз ичига олган янги ўлчаш қурилмаси ишлаб чиқилди (1-расм). Қўшимча қурилма иссиқликдан изоляцияловчи ва оптик шаффоф материалдан тайёрланган корпус (4) ва иссиқ ҳаво манбаидан (5) иборат. Иссиқ ҳаво манбаи (5) сифатида "Lukey 852D+FAN" типигаги кавшарлаш тизимининг махсус қурилмаси ишлатилган. Қурилманинг корпуси ҚЭнинг нормал ёритилишини таъминлаш учун шаффоф материалдан тайёрланган. Манба томонидан ҳосил қилинган иссиқ ҳаво оқими транспортер (6) орқали (4) корпусга узатилади. Иссиқ ҳаво манбаининг қуввати 650 Вт га тенг.




1-расм. Ўлчаш тизимининг соддалаштирилган блок схемаси: 1-асос; 2-электр ўтказувчи ва иссиқликдан изоляцияловчи элемент; 3-қуёш элементи; 4-шаффоф материалдан тайёрланган иссиқликдан изоляцияловчи корпус; 5-иссиқ ҳаво манбаи; 6-иссиқ ҳаво манбаининг транспортери; 7-улаш кабели; 8-автоматлаштирилган ўлчаш тизими (компьютер); 9-қуёш нурланишининг импульс симулятори; 10-вертикал устун.

Яримўтказгичли фотоэлектрик қурилманинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган бўлиб, у одатдагидек фронтал контактли ва яхлит қопланган орқа контактли қуёш элементларидан тайёрланган қуёш панелидир. Қўшимча тарзда орқа томонида ғовак материалдан тайёрланган совитиш пластинасига эга. У шундай лойиҳаланганки, орқа контакт ва совитувчи ғовак пластинка орасига чеккасида бўйлама ёки кўндаланг қовурғали металл ясси радиаторли сув идиши (контейнер) ўрнатилган. Сув идишнинг узунлиги ва кенлиги бўйича геометрик ўлчамлари қуёш панелининг ўлчамларига тенг, камеранинг баландлиги $h_k = (3 \div 5)$ мм, диаметри $a = (1 \div 10)d_{pl}$, кўплаб қўшни коваклар орасидаги масофа $\Delta l = (1 \div 2)a$, контейнернинг орқа девори $d_{nl} = (0,1 \div 1)d_m$ қалинликдаги ғовак материал билан қопланган, сув идиши кириш ва чиқиш трубаларига эга, кириш трубаси қуёш панелининг энг юқори нуктасига ўрнатилган кенгайтирилган ҳажм (бак)га уланган. (d_m -сув идишининг орқа девори материалининг қалинлиги). Бўйлама ёки кўндаланг қирралар бўйлаб ўрнатилган қовурғалар баландлиги h_k га тенг бўлиб, бу баландлик ғовак пластинадан ажралган сув буғини ўтказиш учун юбориладиган ҳаво оқими ўтиши учун етарлидир.

2-расмда совитиш тизими элементлари бўлган яримўтказгичли ҚЭнинг соддалаштирилган схемасининг кўндаланг кесими кўрсатилган. У орқа

томонида кўплаб тирқишларга эга бўлган металл радиатор ва унинг ташқи томонига ўрнатилган ғовак материалдан тайёрланган пластинадан иборат.



2-расм. Янги совитиш тизимига эга бўлган фотоэлектрик қурилманинг кўндаланг кесими кўриниши: 1-яримўтказгичли пластинка (p-n ўтиш чегарали- штрихли чизиқли); 2-олд контакт; 3-орқа контакт; 4-металл радиатор; 5-металл радиатор қовурғаси; 6-сув камераси; 7-капилляр коваклар; 8-ғовак пластинка; 9-кириш ва чиқиш сув қувурлари.

Кремнийли қуёш модулининг дастлабки ва 60 дақиқа бевосита қуёш нури билан нурлантирилгандан кейин ўлчанган асосий параметрларидан (1-жадвал) кўринадик, тақлиф этилган совитиш тизими билан кремнийли фотоэлектрик қурилма камида 60 дақиқа давомида тўғридан-тўғри қуёш нури билан ёритилганда унинг ишлаш температураси $43 \div 44 \text{ }^\circ\text{C}$ (№. 2 ва №. 3) гача, совитиш тизими бўлмаган қурилманинг температураси эса $72 \text{ }^\circ\text{C}$ (№. 1) гача ортиб кетади. Бинобарин, совитиш тизимига эга бўлган қурилманинг асосий фотоэлектрик параметрлари, айниқса, фото-кучланиши юқори кийматларга эга бўлар экан.

1-жадвал

Дастлабки ва тўғридан-тўғри қуёш нурида 60 дақиқа ёритилгандан кейин ўлчанган кремнийли қуёш модулининг асосий параметрлари

№ на- муна	ҚЭ тури ва ўлчамлари	t = 0 да ўлчанган параметрлар			t = 60 дақиқада ўлчанган параметрлар		
		T, K	J _{кз} (мА/см ²)	U _{хх} (В)	T, K	J _{кз} (мА/см ²)	U _{хх} (В)
1	УХ-115×85,5 мм	316	64	13	344	62	9,4
2	УХ-115×85,5 мм	316	64	13	317	64	12,6
3	УХ-115×85,5 мм	316	64	13	316	64	12,8

Диссертациянинг *"PVLighthouse"* ва *"Sentauros"* дастурий тизимларидан фойдаланган ҳолда, кремнийли p-n-структураларининг фотоэлектрик параметрларига ҳароратнинг таъсирини ўрганиш" деб номланган учинчи бобида *"PVLighthouse"* дастурий тизими ёрдамида олинган кремнийдаги заряд ташувчиларнинг асосий кинетик параметрларига температуранинг таъсирини ўрганиш натижалари келтирилган ва муҳокама қилинган. Яримўтказгичли кремнийнинг бошланғич параметрларини

танлашда саноатда ишлаб чиқарилаётган самарали ҚЭ мос талабларга асосланган. Моделлаштириш жараёнида кремнийнинг легирлаш даражаси $10^{14} \div 10^{18} \text{ см}^{-3}$ оралиғида танланган ва температура $250 \div 350 \text{ K}$ оралиғида ўзгартирилган.

Бирламчи натижалар сифатида ЗТнинг монокристалл кремнийдаги кинетик параметрлари: концентрациялар, диффузия коэффиценти, диффузия узунлиги, ҳаракатчанлиги, асосий ва асосий бўлмаган ЗТларнинг яшаш вақтлари ҳамда кремнийнинг электр ўтказувчанлиги, тақиқланган соҳа кенглигининг легирлаш даражаси ёки асосий ЗТлар концентрациясига нисбатан ўзгариши каби боғлиқликлар олинган. Кўрсатилган параметрларнинг температура ва ЗТ концентрациясига боғлиқ равишда ўзгариш номограммалари тузилган. Олинган ҳисоблаш натижалари кўйидагича хулоса қилишга имкон берди: 1) *n*-типли ва *p*-типли кремний учун электронларнинг ҳаракатчанлиги ковакларникидан 2,8 ÷ 3 марта юқори; 2) *n*-типли ва *p*-типли кремний учун асосий ва асосий бўлмаган ЗТнинг ҳаракатчанлиги температура ортиши билан камаяди; 3) асосий ЗТ концентрациясининг ортиши билан улар ҳаракатчанлигининг температура ўзгаришларига сезгирлиги камаяди.

Шунингдек, кремнийнинг солиштирма ўтказувчанлиги ёки солиштирма қаршилигининг температурага боғлиқлиги ҳамда *p*-типли кремнийда тақиқланган соҳа кенглигининг температурага боғлиқ ўзгариши ҳисобланди. Натижаларга кўра, электрон ва ковак типдаги кремний тақиқланган соҳаси кенглигининг температурага боғлиқ равишда ўзгариши бир хил эканлигини кўриш мумкин.

Яримўтказгичлар физикасидан маълумки, $\ln(n_i T^{-3/2}) = \text{const} - (E_g/2kT)$ ни $1/T$ га боғлиқлиги тўғри чизикни $\text{tg}\theta = (E_g/2kT)$ беради. Лекин амалда бу усулда олинган фаоллашиш энергиясининг қиймати тақиқланган соҳа кенглигининг ҳақиқий қийматига мос келмайди. Температура ортиши билан панжара атомларининг тебраниш амплитудаси ортиши кузатилади ва оқибатда тақиқланган соҳа кенлиги камаяди. Бундан ташқари, температура ортиши билан атомлар орасидаги масофа ҳам ўзгаради, бу ҳам тақиқланган соҳанинг кенлигига таъсир қилади. Тақиқланган соҳа кенглигининг температурага боғлиқлиги эмпирик чизикли қонун билан ифодаланади:

$$E_g(T) = E_{g0} - \alpha T, \quad (3)$$


бу ерда, $E_{g0} - T=0$ даги экстрополяцияланган тақиқланган соҳа кенлиги, α - тақиқланган соҳа кенлиги ўзгаришининг термик коэффиценти. Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра, кремний учун тақиқланган соҳа кенлиги ўзгаришининг термик коэффиценти $2,4 \times 10^{-4} \text{ эВ/К}$.

Агар ЗТнинг кинетик параметрлари тўплами кўриб чиқилса, температурани ЗТнинг эффектив массасига таъсири ўрганилмаганлигини кўриш мумкин. Заряд кўчиш моделида электронлар ва ковакларнинг ток зичлиги уларнинг эффектив массаларининг фазовий ўзгариши билан аниқланади. Бироқ, "PVLighthouse" дастурий таъминот тизимида бундай

ҳисоблаш усули ҳисобга олинмаган. Шу билан бирга кремнийдаги эффектив массанинг (электронлар ва коваклар учун ҳисобланган) температурага боғлиқ ўзгаришини АндДУ қайта тикланувчи энергия манбалари лабораторияси ходимлари томонидан ишлаб чиқилган янги дастурий тизим ёрдамида ўрганиш мумкин. Олинган ҳисоб-китобларнинг дастлабки натижалари 3-расмда кўрсатилган. Бунда электронларнинг эффектив массаси эмиттер қатламга тегишли (n -типта, 10^{17} см^{-3} концентрацияда) ва ковакларнинг эффектив массаси асосий қатламга тегишли (p -типта 10^{15} см^{-3} концентрацияда). Заррачанинг эффектив массаси заррача кристалл потенциалининг даврий соҳасида ҳаракатланганда пайдо бўладиган динамик массасидир. Эффектив масса ифодасини қуйидагича келтириш мумкин:

$$m_{n,p} = \hbar^2 (d^2 E / dk^2) - 1, \quad (4)$$

бу ерда \hbar – Планк доимийси, k – тўлқин вектори, E – электр майдон кучланганлиги.




3-расм. n -типли кремний (донор-фосфор)да эффектив массанинг (электронлар ва коваклар учун) температурага боғлиқлиги.

Шундай қилиб, биринчи марта кремний структураларининг эмиттер ва база қатламларидаги электрон ва ковакларнинг эффектив массасининг температурага боғлиқлиги аниқланди, уларнинг ўзаро муносабати яримўтказгичлар физикаси назарияси доирасида талқин қилинди.

“Sentaurs” тизими ёрдамида кремнийли p - n -структураларининг характеристикаларига температуранинг таъсири тадқиқ этилди. Кремнийли ҚЭларининг температура хусусиятларини ўрганишда $250 \div 350 \text{ K}$ температура оралиғи кўриб чиқилди, бу ер усти ва космик қўлланишлар учун катта амалий аҳамиятга эга. 4-расмда $250 \div 350 \text{ K}$ оралиғидаги турли температураларда кремнийли ҚЭларининг ВАХлари келтирилган.

Қисқа туташув токи I_{sc} ва салт юриш кучланишининг U_{oc} термик коэффициентлари, ВАХни тўлдириш коэффициенти FF , максимал қувват P_m ,

ва металл нанозарралар киритилган ва киритилмаган кремнийли ҚЭларининг ФИК η натижалари 2-жадвалда келтирилган.



4-расм. Турли температураларда кремнийли ҚЭнинг нагрузкали ВАХ.

2-жадвал


Кремнийли ҚЭларининг асосий фотоэлектрик параметрларнинг температуравий коэффициентлари

Материалнинг хусусияти	ҚЭларининг термик коэффициентлари				
	dV_{oc}/dT (mV / K)	dJ_{sc}/dT (mA / sm ² K)	dFF/dT (1 / K)	dP_m/dT (mW/sm ² K)	$d\eta/dT$ (1 / K)
Si	-2,56	-0,00067	-0,0012	-0,0128	-0,0128
Si (Pt)	-2,56	-0,0079	-0,0012	-0,0290	-0,0290

Ҳисоблаш орқали аниқланган кремнийли структураларнинг асосий фотоэлектрик параметрларининг термик коэффициентлари тажриба маълумотлари билан таққосланганда уларнинг ўзаро мувофиқлигининг қониқарли эканлигини кўрсатди. Шунини таъкидлаш лозимки, биринчи марта металл нанозарралари киритилган кремнийли структуралар асосий фотоэлектрик параметрларининг термик коэффициентлари dV_{oc}/dT , dJ_{sc}/dT , dFF/dT , dP/dT ва $d\eta/dT$ аниқланди.

Маълумки, кремнийли ҚЭлари учун температуранинг қисқа туташув токи зичлигига таъсири сезиларли эмас. Бироқ, бу ишда олинган натижалар кремний кристали ҳажмида металл нанозарралари мавжудлигида $dJ_{sc}/dT = -0,0079 \text{ mA/sm}^2 \text{ K}$ қийматнинг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлишини кўрсатади ва бу боғлиқлик тўғри чизиқли функциядир. Фикримизча, бу фарк металл нанозарраларида температура ортиши билан электронларнинг термоэлектрон эмиссияси тезлиги ортиб бориши туфайли кремний фотоўтказувчанлигининг ўзгариш табиатига боғлиқ. Шунингдек, ёруғлик

спектрининг яқин инфрақизил диапазонидаги қисми металл нанозаррачаларда кўпроқ ютилишини эътиборга олиш мақсадга мувофиқдир.




5-расм. Кремнийли қуёш элементининг максимал қувватини температурага боғлиқ ҳолда ўзгариши: 1 – Si(Pt); 2 – Si.

Кремнийли ҚЭларининг максимал чиқиш қувватининг температурага қараб ўзгариш тезлиги таҳлил қилинди. 5-расмда металл нанозарралари (1 – Si(Pt); 2 – Si) киритилган ва киритилмаган кристалл кремний асосли ҚЭ максимал қуввати dP_m/dT термик коэффициентининг эгри чизиқлари келтирилган. Нанозаррали ва нанозаррасиз кремний учун dP_m/dT катталиқнинг қийматлари мос равишда $-0,0290 \text{ mW/sm}^2\text{K}$ ва $-0,0128 -0,0290 \text{ mW/sm}^2\text{K}$ га тенг бўлди. Нанозарра киритилган кремнийли ҚЭ учун dP_m/dT нинг қиймати нисбатан юқори (деярли 2,3 марта) бўлиши температуранинг ортиши билан қисқа туташув фототок зичлиқнинг тез камайиши билан боғлиқ.

6-расмда $T=250 \text{ K}$ да металл нанозарралари (1 – Si(Pt); 2 – Si) киритилган ва киритилмаган кристалл кремнийли ҚЭнинг максимал қувватини фотоэлектрик кучланишга боғлиқлик графиклари келтирилган. Металл нанозарралари (1 – Si(Pt); 2 – Si) бўлган ва бўлмаган кристалл кремнийли ҚЭ учун 5- ва 6-расмларда ҳам кўрсатилган $P_m(T)$ ва $P_m(U)$ қийматлар орасида сезиларли фарқ металл нанозарра атрофида электрон зичлиқининг тебраниш резонанси туфайли ҳосил бўладиган наноплазмоника эффекти билан боғлиқ бўлиши мумкин. Биринчидан, металл нанозарралари киритилган ҚЭларининг асосий фотоэлектрик параметрлари нанозарраларсиз ҚЭлариникига нисбатан юқори бўлса ҳам, чиқиш қувватининг термик коэффициентлари ва самарадорлиги бироз ёмонлашмоқда. Шунинг учун бундай ҳолларда қуёш элементларини совитиш учун махсус чоралар кўриш талаб қилинади. Иккинчидан, плазмон ҚЭнинг юқори фотосезгирлиги паст температурада намоён бўлади. Шунинг учун паст температураларда


ишлайдиган жуда сезгир (плазмон) фотодетекторларни яратишнинг истиқболли имконияти мавжуд.




6-расм. $T = 250$ K да кремнийли ҚЭнинг максимал қувватини кучланишга боғлиқлиги: 1 – Si(Pt); 2 – Si.

